



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TRANSPORT VAZIRLIGI HUZURIDAGI
TEMIR YO'LLARDA YUK VA YO'LOVCHILAR TASHISH XAVFSIZLIGINI
NAZORAT QILISH INSPEKSIYASI
«O'ZTEMIRYO'LNAZORAT»

BUYRUQ

«16» 01 2020 й.

TOSHKENT

№ 18

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2020 йил
4 январдаги 3-сон қарори ижроси тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 январдаги “Хотин – қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3-сон қарори ҳамда мазкур қарор ижроси борасидаги Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг 2020 йил 14 январдаги 3-сон буйруғи ижросини таъминлаш шунингдек мақсадида,

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 январдаги “Хотин – қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур қарор билан тасдиқланган “Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордерини бериш, ижросини таъминлаш ва мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисидаги низом” ҳамда “Тазйиқ ва зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахсларнинг зўравонлик хулқ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш дастуридан ўтиши тартиби тўғрисидаги низом” маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Инспекция Хотин-қизлар кўмитасининг раиси (Киященко Н.), кадрлар бўйича бош мутахассис (Кенжаева Ф.) инспекцияда хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ўтказиш ҳолатларига йўл қўймасликка қаратилган, шунингдек, хотин-қизлар билан ўзаро муносабатлар маданиятини ошириш бўйича меҳнат органлари билан ҳамкорликда профилактика тадбирларини ўтказишга алоҳида эътибор қаратилсин.

3. Ушбу буйруқ билан инспекциянинг марказий аппарати ва ҳудудий филиалларининг барча ходмлари таништирилсин.

4. Ушбу буйруқ ижроси устидан назоратни ўз зиммамда қолдираман.

Инспекция бошлиғи

Д. Ахмедов